

## ҲАММАСИГА ТЕЛЕФОН АЙБДОР...МИ?

Замон шиддат билан ривожланиб, алоқа воситалари ҳаётимизнинг ажралмас бўлагига айланди. Бугунги кунда деярли ҳар бир фуқарода уяли телефон мавжуд. Телефон ҳозирда нафақат сўзлашув ёки хабар жўнатиш учун, балки дунё янгиликларидан хабардор бўлиш, ўқиш-ўрганиш, фото ёки видеотасвирга олиш, турли ўйинлар ўйнаш ва бошқа кўплаб функцияларга эга бўлгани сабабли, замонавий уяли телефонлар “смартфон” яъни ақлли телефон деб аталади.

Шу билан бирга, бугунги кунда телефон аксарият кўп жиноятларнинг обьектига айланганини ҳам таъкидлаш зарур. Юртимида деярли ҳар куни бирортасининг телефони ўғирлангани ёки алдаб олиб кетилгани ва телефондан фойдаланиб, катта миқдордаги маблағлар талон-торож этилганини оммавий ахборот воситалари ёки бирорта танишдан эшитамиз.

Сўнгги ойларда жиноят ишлари бўйича Қува тумани судида мазмунан кўриб чиқилган ишлар таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, содир этилган аксарият ишларда айнан телефон судланган шахсларнинг “нишонига” айланган. Бунга сабаб ҳозирда телефонни алмаштириш, айирбошлаш, сотиш умуман олганда турли йўл билан ўтказишнинг осонлигидир.

Судланган Орипов Асадбек (фамилияси ўзгартирилган) ҳам телефонга “ишқибор”лардан чиқиб қолди. Ёш бўлса-да, ҳалол меҳнат қилиб ҳаёт кечириш ўрнига осон пул топиш йўлларини қидирди, ўйлаб-ўйлаб деярли ҳаммада уяли телефон борлиги, эгасини алдаб телефонини эгалласа уни арzonроқ сотиши ва нафсини қондириши мумкинлигини билиб, жиноий ишини режалаштириди. Шундан сўнг, Асадбек тузган режасини амалга оширишга киришди, 2021 йил 11 июль куни И.Шокировнинг “Matiz” автомашинасига йўловчи сифатида чиқди, йўл давомида у билан гаплашиб, ҳайдовчининг нархи 3.600.000 сўмлик “Red Mi 6” русумли уяли телефонини кўриб, уни қўлга киритиш мақсадида ҳайдовчини Қиргули мавзесидаги кўп қаватли уйларнинг бирини олдига олиб бориб, йўл ҳақи учун пули йўқлиги, шу уйда яшовчи қариндошидан пул олиб беришини айтиб, И.Шокировдан қариндошига қўнғироқ қилиб олиш учун телефонини сўраб олди ва машинадан тушиб ўзини телефонда гаплашаётгандек кўрсатиб, кўп қаватли уйга кириб, орқа томондаги эшикдан чиқиб қочиб кетди. Ҳайдовчи И.Шокиров анча вақт йўловчини пул олиб тушиб беришига ишониб кутиб зерикди, йўл ҳақидан ҳам унга телефони зарур-да, унда тегишли функцияни ёқиб, йўловчани исталган жойга элтиш мумкин. И.Шокиров йўловчи кириб кетган уйда орқа эшик борлиги ва унинг очиқ турганини кўриб алданганини билди, сўнг бу ҳақда ИИБга хабар берди. А.Орипов эса “Red Mi 6” номли телефонни арzonроқ бўлсада биринчи учраган харидорга сотди, пулини ўзи учун ишлатиб юборди.

Дона ҳалқимиз “гўшт шириклигини ташласа, ўғри ўғрилигини ташлайди”-деб бекорга айтмаган. Осон топилган пул Асадбекка ширин туюлди ва эртасига ёқ, 2021 йил 12 июль куни жабрланувчи Л.Тўрақуловнинг “Nexia” автомашинасига йўловчи бўлиб чиқиб, уни ҳам Қиргули мавзесидаги “қариндошининг уйига” олиб келди ва нархи 1.200.000 сўмлик “LG J-6” номли телефонини қўнғироқ қилиш учун олиб ҳайдовчини алдаб кетди.

Бундан ташқари, А.Орипов 2021 йил июль-август ойи давомида жабрланувчилар Ж.Зохидов, Р.Мирзаулов ва Ш.Собиржоновнинг машинасига йўловчи бўлиб чиқиб, уларга ҳам юқоридаги “усул” билан фириб бериб, уяли телефонларини олиб кетиб, уларни сотиб пулларни эҳтиёжига сарфлади.

Ҳар бир ишнинг боши бўлганидек унинг якуни ҳам бор. Сўнги вақтда ИИБга жабрланувчиларни алдаб уларнинг телефонини олиб кетаётган шахснинг Қиргули мавзесида “фаолият кўрсатаётгани” ҳақида тушган хабарлар тезкор ходимларни ҳушёрликка чорлади. Навбатдаги соддароқ ҳайдовчини ёлғонига ишонтириб, унинг телефонини олиб орқа эшикдан “қуён бўлмоқчи” бўлган А.Орипов ИИБ ходимлари тузоғига тушди. Терговда ҳамма жабрланган ҳайдовчилар уни таниб олишди, кўплаб далиллар олдида ожиз қолган А.Орипов қилмишига иқор бўлди, суд жараёнида жабрланувчиларга етказилган заарларни бартараф этди ва унинг қилмишларига телефон сабабчи экани, унга қизиқиб эгаларидан олиб, сўнг бироз ишлатиб сотиб юборгани, келгусида бирорвнинг телефонини сўрамаслигини айтди.

Хуқуқшунослар тадбири билан айтганда, ҳар бир жиноятнинг мотиви бор, Асадбекнинг айтгани бўйича барчасига телефон айбдор.

---

Зафаржон Омонов.

Жиноят ишлари бўйича

Кува тумани судининг раиси,

2022-01-13 09:33:32